

Ўзбекистон Республикаси номидан  
Х У К М

2025 йил 23 сентябрь куни жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз шаҳар судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, шу суднинг раиси ХХХнинг раислигида, судья ёрдамчиси ХХХнинг котиблигида, тарафлардан Шаҳрисабз шаҳар прокурорининг ёрдамчиси ХХХ, судланувчи ХХХ ва унинг ҳимоячиси - адвокат ХХХнинг иштирокида, Суюнов Темур Тоҳир ўғлига оид 1-1815-2501/143-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра,

ХХХ(ХХХ), 2001 йил

28 август куни Шаҳрисабз туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, мавсумий ишчи, оилали, муқаддам судланмаган, Шаҳрисабз шаҳар, “Катта Новқат” МФЙ, Кичик новқат кўчаси, 6-уйда яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 25 август куни олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 276-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, дастлабки тергов ҳужжатларини таҳлил қилиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, тарафларнинг музокара нутқини ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

2025 йил 29 май куни соат 14ларда Шаҳрисабз шаҳар, “Катта Новқат” МФЙ, Тезгузар кўчаси, 16-уйда яшовчи фуқаро ХХХўғлининг бошқарувидаги “Нексия-2” русумли 10А671JB давлат рақам белгили автомашина, олинган тезкор маълумотга асосан Шаҳрисабз шаҳар, “Соҳибқирон” МФЙ, Фусункор кўчасида жойлашган “Ҳамкорбанк” яқинида Шаҳрисабз шаҳар ИИБ ТҚХ ЖҚБ ходимлари томонидан тўхтатилиб, автомашина йўловчиси ХХХнинг ёни кўздан кечирилганда ХХХнинг эғнидаги шимининг орқа чап чўнтагида 5.000 сўм купюралари пулга ўралган уч дона фалга қоғозда ва “Нексия-2” русумли 10А671JB давлат рақам белгили автомашинанинг олди йўловчи ўриндиғидан бир дона фалга қоғозга ўралган жами соф оғирлиги 1,7 грамм гашиш (анаша) гиёҳвандлик воситасини келгусида ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда сақлаб келаётгани аниқланиб, холислар иштирокида тегишли тартибда ҳужжатлаштириб олинган.

Шаҳрисабз шаҳар ИИБ ЭКГнинг 30.05.2025 йилдаги 73-сонли судга оид кимёвий экспертиза хулосасида, фуқаро ХХХдан ҳужжатлаштирилиб олинган фалга қоғози бўлақларига ўралган тўқ жигар рангли, қўл билан ушлаб қўрилганда юмшоқроқ, ўзига хос ўткир хидли моддалар таркибида фаол гиёҳвандлик тетрагидроканнабинол мавжудлиги, ушбу моддалар гашиш (анаша) гиёҳвандлик воситасининг жами соф вазни 1,7 грамм эканлиги аниқланган.

Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий амалий тиббиёт марказининг наркология хизмати бўйича Қашқадарё вилоят



филиалининг 2025 йил 28 июндаги 222-сонли хулосасида, ХХХ диспансерда “Д” назоратда турмаслиги, наркотик моддалардан нашани истеъмол қилмаслиги, гиёҳвандлик хасталигига чалинмагани ва у мажбурий даволанишга муҳтож эмаслиги кўрсатилган.

ХХХ ушбу жиноий ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни қасддан содир қилган.

Судланувчи ХХХ судда, ўзига қўйилган айбловга тўлиқ иқрорлик билдириб, 2025 йил 29 май куни соат 14ларда у Шаҳрисабз шаҳар, “Катта Новқат” МФЙ, Тезгузар кўчаси, 16-уйда яшовчи фуқаро ХХХўғлининг бошқарувидаги “Нексия-2” русумли 10А671JB давлат рақам белгили автомашинасига миниб, ушбу автомашинанинг олди йўловчи ўриндиғида ўтириб, Н.Алиқулов билан бирга кетаётганида, автомашина Шаҳрисабз шаҳар, “Соҳибқирон” МФЙ, Фусункор кўчасида жойлашган “Ҳамкорбанк” яқинига келган пайтда ИИБ ходимлари томонидан тўхтатилиб, уларга ИИБ ходимлари ўзларини таништириб, “қора дори - 2025” тадбири ўтказилаётгани, ёнида қандай ноқонуний нарсалар бўлса, ушбу нарсаларни тақдим қилишни айтиб, кўздан кечиришган пайтда ИИБ ходимлари унинг шими орқа чап чўнтагида 5000 сўм купюралари пулга ўралган 3 дона фалга қоғозларга жойланган гиёҳвандлик воситаси борлигини аниқлагани, у автомашинанинг олд йўловчи ўриндиғига ўтирган пайтда ўша жойга тушиб қолган бир дона оқ фалга қоғоз бўлагига ўралган гиёҳвандлик воситани Алиқулов Нодирбек ИИБ ходимларига тақдим қилгани, кейин уларни Шаҳрисабз шаҳар ИИБ маъмурий биносига олиб келишгани, шу жойда холислар иштирокида 4 дона ўралган фалга қоғозлар очиб кўрилиб, баённома расмийлаштиришгани, ундан ушбу нарсалар нима экани ҳақида сўраганида, у ИИБ ходимларига ушбу нарсалар гашиш гиёҳвандлик воситаси эканини, гиёҳвандлик воситаси ўзига тегишли эканини ва ўзи истеъмол қилишини, бирор кишига сотиш мақсадида олмаганини, “Федя” исмли бола Наима исмли кишини ўғли Фирдавсдан 700 минг сўм эвазига сотиб олганини айтгани, жавобгарликдан қутулиб қолиш мақсадида тергов вақтида у айбига иқрор эмаслиги ҳақида кўрсатув бергани, аслида ушбу гиёҳвандлик воситалари тадбир пайтида унинг ёнида эканлиги аниқлангани, ҳақиқатдан ҳам гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилишини, гиёҳвандлик воситасини сотиш мақсади бўлмагани, айбига иқрорлиги ва қилган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, келгусида бу ҳолатларни такрорламаслигини билдириб, оилавий шароитини инобатга олиб, суддан қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи ХХХнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятлардаги айби ўзининг суддаги айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари қуйидагилар гувоҳларнинг кўрсатувлари билан ҳам тасдиқланади.

Жумладан, гувоҳ Б.Жалилов судда, Шаҳрисабз шаҳар ИИБда ЖҚБ тезкор вакил лавозимида ишлаб келиши, хизмат вазифаларига жиноятчиликка қарши курашиш, жиноятчиликни олдини олиш, жиноятларни иссиқ изидан фош қилиш ва шу каби бошқа вазифалар кириши, ХХХўғли ва ХХХни таниши, уларга ва оила аъзоларига нисбатан келишмовчилик ёки адовати йўқ эканлиги, 2025 йилнинг 29 май куни шахсини сир сақлаган “А” исмли шахс Шаҳрисабз шаҳар ИИБ бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилиб, унда ХХХ



гиёхвандлик воситасини сақлаш ва истеъмол қилиш билан шуғулланиб келганини маълум қилгани, кейин у бу ҳақда Шаҳрисабз шаҳар ИИБ бошлиғи номига билдирги билан мурожаат қилгани, мурожаат ва билдирги Шаҳрисабз шаҳар ИИБда рўйхатга олиниб, шу куни соат 14ларда Алиқулов Нодирбек “Нексия-2” русумли 10А671JB давлат рақамли автомашинасида ХХХни миндириб юргани ва Суёнов Тимур Шаҳрисабз шаҳар “Соҳибқирон” МФЙ, Фусункор кўчасидаги “Ҳамкорбанк” олдида бир шахсдан гиёхвандлик воситасини олиши юзасидан маълумот келиб тушгани, шу сабабли ИИБ ЖКГ ходимлари Яхшиев Шохрух, Дониёров Шахзод, ИИБ котиби Рахимов Мухриддинлар билан бирга Шаҳрисабз шаҳар “Соҳибқирон” МФЙ, Фусункор кўчасига бориб, у “Ҳамкорбанк” олдида қолиб, ИИБ ЖКГ ходимлари Ш.Яхшиев, Ш.Дониёров М.Рахимовлар эса чорраҳа яқинида автомашинани кузатиб туришгани, шу пайтда Н.Алиқуловнинг автомашинаси “Ҳамкорбанк” яқинида тўхтаганида ушбу автомашинанинг олди йўловчи ўриндиғида ўтирган Суёнов Тимур автомашинадан тушиб, Н.Алиқуловнинг автомашинасини ортида тўхтаган “Ласетти” русумли 70U806RA давлат рақамли автомашинаси олди йўловчи ўриндиғи томондан бориб, ким биландир гаплашиб, чўнтагидан пул олиб, “Ласетти” русумли автомашинада ўтирган одамга бергани, у шахс эса ХХХнинг қўлига қандайдир нарсалар бергани, ХХХ ушбу олган нарсаларни шимининг орқа чўнтагига солганидан сўнг “Ласетти” русумли 70U806RA давлат рақамли автомашина ҳаракатланиб кетиб қолгани, Суёнов Тимур “Нексия-2” русумли 10А671JB давлат рақамли автомашинанинг олди йўловчи ўриндиғига келиб ўтирган пайтда у югуриб бориб, уларни йўлини тўсиб, ХХХни автомашинадан тушириб олгани, ҳолатни видеотасвирга тушириб, бошқа ИИБ ходимлари ҳам ўша жойга югуриб келиб, улар Суёнов Тимурга ўзларини Шаҳрисабз шаҳар ИИБ ходимлари эканликларини, уни текшириб кўришларини айтиб, қаршилик кўрсатгани сабабли ХХХни қўлини ушлаб олиб, ундан ёнида қандай турдаги нарсалар борлигини сўраганда, ХХХ ёнида ҳеч нарса йўқлигини айтгани учун у атрофни кўздан кечираётган пайтда Алиқулов Нодирбек автомашинасидан тушиб келиб, бир дона оқ фалга қоғоз бўлагига ўралган нарсани унинг автомашинасига ўтирган пайтда Суёнов Тимурнинг чўнтагидан тушиб қолганини айтиб, ушбу нарсани тақдим қилгани, у кўздан кечирганида Суёнов Тимурнинг шими орқа чап чўнтагида 5.000 сўм купюралари пулга ўралган 3 дона фалга қоғозларга жойланган нарсалар борлигини аниқлагани, олинган нарсаларни автомашина юкхонаси устига қўйгани, ушбу ҳолатлар видеотасвирга олингани, нарсаларни текшириб кўриш учун теваарак-атрофни излаганда холислар топилмагани сабабли, бирор киши холис сифатида иштирок этмагани, ўша жойда одамлар тўплана бошлагани сабабли, улар Суёнов Тимур ва Нодирларни автомашиналарга миндириб, Шаҳрисабз шаҳар ИИБ маъмурий биносига олиб келишгани, ИИБ биносига яқин жойдан икки нафар холислар чақиритиб, ушбу холислар иштирокида Суёнов Тимурдан аниқланган жами 4 дона ўралган фалга қоғозлар очиб кўрилганда фалга қоғозлар ичида қора рангли, ўткир ҳидли ўсимликлар бор экани, ХХХдан ушбу нарсалар нима экани ҳақида сўраганида, ХХХ ушбу нарсаларни гашиш гиёхвандлик воситаси экани, гиёхвандлик воситасини ўзи истеъмол қилишини, бирор кишига сотиш мақсадида олмаганини, “Федя” исмли бола Наима исмли



кишини ўғли Фирдавсдан 700 минг сўм эвазига сотиб олганини айтиб, айбига икром ва пушаймонлик билдириб, ҳолат юзасидан тузилган баённомалар билан танишиб имзолаб бергани, ҳолатлар видеотасвирга тушириб олингани, Суюнов Тимур ушбу ҳолат юзасидан ўз сўзидан ва ўз хоҳиши билан кўлида тушунтириш хати ёзиб бергани, ХХХга нисбатан ҳеч қандай тазйиқ ва мажбурлаш ҳолатлари бўлмагани, гиёҳвандлик воситасини Б.Жалилов ёки бошқа ИИБ ходимлари ХХХнинг шими орқа чўнтагига солиб қўймагани, 1 дона фалга қоғозга ўралган гиёҳвандлик воситаси автомашина олди йўловчи ўриндиғига тушиб қолгани учун уни Нодир ходимларга тақдим қилгани, аниқланган гиёҳвандлик воситаси Алиқулов Нодирбекка тегишли бўлмагани, гиёҳвандлик воситаси ХХХга тегишли экани, шу пайтда Суюнов Тимур ушбу гиёҳвандлик воситаси ўзиники экани, бунга Алиқулов Нодирбекни алоқаси бўлмаганини, ўзи истеъмол қилишини, “Ласетти” русумли 70U806RA давлат рақамли автомашинасида “Федя” исмли бола Наима исмли кишини ўғли Фирдавсдан 700 минг сўм эвазига сотиб олганини айтгани, экспертиза хулосасида ХХХдан аниқланган нарсалар гиёҳвандлик воситаси экани кўрсатилгани, кейин тўпланган ҳужжатлар қонуний қарор қабул қилиш учун тергов органига ўтказилгани, ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилганидан кейин ХХХ ушбу ҳолатга Нодирбекнинг алоқаси борлигини айтганини у кейинчалик билгани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Ш.Яхшиев судда, 2025 йилнинг 29 май куни шахсини сир сақлаган “А” исмли шахс Шаҳрисабз шаҳар ИИБ бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилиб, унда ХХХ гиёҳвандлик воситасини сақлаш ва истеъмол қилиш билан шуғулланиб келганини маълум қилгани, маълумотлар бўлгани сабабли ИИБ ЖҚБ тезкор вакили Жалилов Бекзод Шаҳрисабз шаҳар ИИБ бошлиғи номига билдирги билан мурожаат қилгани, шу куни мурожаат ва билдирги Шаҳрисабз шаҳар ИИБда рўйхатга олиниб, соат 14ларда Алиқулов Нодирбек “Нексия-2” русумли 10А671JB давлат рақамли автомашинасида ХХХни миндириб юргани ва Суюнов Тимур Шаҳрисабз шаҳар “Соҳибқирон” МФЙ, Фусункор кўчасидаги “Ҳамкорбанк” олдида бир шахсдан гиёҳвандлик воситасини олиши юзасидан маълумот келиб тушгани, шу сабабли ИИБ ЖҚГ ходимлари Жалилов Бекзод, Дониёров Шахзод, ИИБ котиби Рахимов Мухриддинлар билан бирга Шаҳрисабз шаҳар “Соҳибқирон” МФЙ, Фусункор кўчасига бориб, Б.Жалилов ўша жойда “Ҳамкорбанк” олдида қолиб, у ва ИИБ ходимлари Ш.Дониёров М.Рахимовлар эса чорраҳа яқинида автомашинани кузатиб туришгани, шу пайтда Н.Алиқуловнинг автомашинаси “Ҳамкорбанк” яқинида тўхтаганида ушбу автомашинанинг олди йўловчи ўриндиғида ўтирган Суюнов Тимур автомашинадан тушиб, Н.Алиқуловнинг автомашинасини ортида тўхтаган “Ласетти” русумли 70U806RA давлат рақамли автомашинаси олди йўловчи ўриндиғи томондан бориб, ким биландир гаплашиб, чўнтагидан пул олиб, “Ласетти” русумли автомашинада ўтирган одамга бергани, у шахс эса ХХХнинг кўлига қандайдир нарсалар бергани, ХХХ ушбу олган нарсаларни шимининг орқа чўнтагига солганидан сўнг “Ласетти” русумли 70U806RA давлат рақамли автомашина ҳаракатланиб кетиб қолгани, Суюнов Тимур “Нексия-2” русумли 10А671JB давлат рақамли автомашинанинг олди йўловчи ўриндиғига келиб ўтирган пайтда тезкор вакил Б.Жалилов югуриб бориб,



уларни йўлини тўсиб, ХХХни автомашинадан тушириб олган пайтда ҳолатни видеотасвирга тушириб, у бошқа ИИБ ходимлари билан ўша жойга югуриб боришгани, улар Суюнов Тимурга ўзларини Шаҳрисабз шаҳар ИИБ ходимлари эканликларини, уни текшириб кўришларини айтиб, қаршилиқ кўрсатгани сабабли ХХХни қўлини ушлаб олиб, ундан ёнида қандай турдаги нарсалар борлигини сўраганда, ХХХ ёнида ҳеч нарса йўқлигини айтгани учун Б.Жалилов атрофни кўздан кечираётган пайтда Алиқулов Нодирбек автомашинасидан тушиб келиб, бир дона оқ фалга қоғоз бўлагига ўралган нарсани унинг автомашинасига ўтирган пайтда Суюнов Тимурнинг чўнтагидан тушиб қолганини айтиб, ушбу нарсани тақдим қилгани, Б.Жалилов атрофни кўздан кечирганида Суюнов Тимурнинг шими орқа чап чўнтагида 5.000 сўм купюралари пулга ўралган 3 дона фалга қоғозларга жойланган нарсалар борлигини аниқлагани, олинган нарсаларни автомашина юкхонаси устига қўйгани, ушбу ҳолатлар видеотасвирга олингани, нарсаларни текшириб кўриш учун теварақ атрофни излаганда холислар топилмагани сабабли, бирор киши холис сифатида иштирок этмагани, ўша жойда одамлар тўплана бошлагани сабабли, улар Суюнов Тимур ва Нодирларни автомашиналарга миндириб, Шаҳрисабз шаҳар ИИБ маъмурий биносига олиб келишгани, ИИБ биносига яқин жойдан икки нафар холислар чақиришиб, ушбу холислар иштирокида иштирокида Суюнов Тимурдан аниқланган жами 4 дона ўралган фалга қоғозлар очиб кўрилганда фалга қоғозлар ичида қора рангли, ўткир ҳидли ўсимликлар бор экани, ХХХдан ушбу нарсалар нима экани ҳақида сўраганида, ХХХ ушбу нарсаларни гашиш гиёҳвандликвоситаси экани, гиёҳвандлик воситасини ўзи истеъмол қилишини, бирор кишига сотиш мақсадида олмаганини, “Федя” исмли бола Нима исмли кишини ўғли Фирдавсдан 700 минг сўм эвазига сотиб олганини айтиб, айбига иқрор ва пушаймонлик билдириб, ҳолат юзасидан тузилган баённомалар билан танишиб имзолаб бергани, ҳолатлар видеотасвирга тушириб олингани, Суюнов Тимур ушбу ҳолат юзасидан ўз сўзидан ва ўз хоҳиши билан қўлида тушунтириш хати ёзиб бергани, ХХХга нисбатан ҳеч қандай тазйиқ ва мажбурлаш ҳолатлари бўлмагани, гиёҳвандлик воситасини Б.Жалилов ёки бошқа ИИБ ходимлари ХХХнинг шими орқа чўнтагига солиб қўймагани, 1 дона фалга қоғозга ўралган гиёҳвандлик воситаси автомашина олди йўловчи ўриндиғига тушиб қолгани учун уни Нодир ходимларга тақдим қилгани, аниқланган гиёҳвандлик воситаси Алиқулов Нодирбекка тегишли бўлмагани, гиёҳвандлик воситаси ХХХга тегишли экани, шу пайтда Суюнов Тимур ушбу гиёҳвандлик воситаси ўзиники экани, бунга Алиқулов Нодирбекни алоқаси бўлмаганини, ўзи истеъмол қилишини, “Ласетти” русумли 70U806RA давлат рақамли автомашинасида “Федя” исмли бола Наима исмли кишини ўғли Фирдавсдан 700 минг сўм эвазига сотиб олганини айтгани, экспертиза хулосасида ХХХдан аниқланган нарсалар гиёҳвандлик воситаси экани кўрсатилгани, кейин тўпланган ҳужжатлар қонуний қарор қабул қилиш учун тергов органига ўтказилгани, ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилганидан кейин ХХХ ушбу ҳолатга Нодирбекнинг алоқаси борлигини айтганини у кейинчалик билгани ҳақида кўрсатув берди.

Бундан ташқари, ХХХнинг айби жиноят ишидаги ёзма далиллар, хусусан нарсани кўздан кечириш ва олиш баённомаси ҳамда унга илова фотосуратлар,



дастлабки тушунтириш хатлари, судга оид кимёвий экспертиза хулосаси, суд наркология экспертизаси хулосаси, сўроқ баённомалари, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш қарори ҳамда жиноят иши ҳужжатларида мавжуд бўлган бошқа далиллар билан ўз тасдиғини топган.

Суд, тергов органи томонидан судланувчи ХХХнинг гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда сақлашдан иборат жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 276-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 7-моддасида, “Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилиши кераклиги, жазолашдан кўзланган мақсадга ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкинлиги;

8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

10-моддасида, қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шартлиги;

42-моддасида, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек, бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1,3-бандларида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин”, “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”- деб тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи ХХХга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда амалдаги Қонун талаблари ва Олий суд Пленуми томонидан берилган тушунтиришларга қатъий амал қилиб, судланувчининг айбига иқрор ва қилмишидан пушаймонлигини жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жазони оғирлаштирувчи ҳолат йўқ деб баҳолаб, шу билан бирга жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг илгари



судланмаганлигини, оилавий шароитини, ёшини инобатга олиб, унга айбдор деб топилган Жиноят кодекси моддаси санкциясида назарда тутилган жарима жазосини тайинлашни, унга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилишни, ашёвий далил - ДХХ Қашқадарё вилоят бошқармасида сақланаётган ва кимёвий тадқиқотдан сўнг қолган 1,3 грамм гашиш (анаша) гиёҳвандлик воситасини йўқ қилишни, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомасини расмийлаштириш жараёни видеотасвири туширилган бир дона ДВД дискни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига амал қилиб, суд

ҳ у к м қ и л д и:

XXX(XXX) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 276-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 276-моддасининг 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 баравари миқдорида, яъни 9.375.000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Унга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Ашёвий далил - ДХХ Қашқадарё вилоят бошқармасида сақланаётган ва кимёвий тадқиқотдан сўнг қолган 1,3 грамм гашиш (анаша) гиёҳвандлик воситаси йўқ қилинсин.

Ашёвий далил - ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомасини расмийлаштириш жараёни видеотасвири туширилган бир дона ДВД диск жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланган эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка муддат ичида жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз шаҳар суди орқали Қашқадарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ушбу муддат ўтганидан сўнг эса кассация тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

XXX

